

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 2 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 2**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 2**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илҳом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илҳом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umaroglu**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

### Адабиётшунослик

- 39. Хурлиман Утемуратова**  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАРИХИЙ РОМАНЛАРИДА СТИЛЬ МАСАЛАЛАРИ.....6
- 40. Karimova Feruza Mo'minovna**  
XALQ LIRIK QO'SHIQLARIDA OLOVNING RAMZIY-TIMSOLIY MA'NOLARI.....11
- 41. I.S. Mannorov, Sh. S. Ismoilova**  
AZIM HOJA IJODIDA HIKMATNAVISLIK AN'ANASI.....17
- 42. Шарофат Абдурахмонова**  
СЎНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДА  
МУАЛЛИФ ОБРАЗИНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ ИШТИРОКИ.....22
- 43. Mukhlisa Tursunova Vakhobovna**  
THE PLACE OF JULIAN BARNES' INGENUITY IN THE GENRE  
EVOLUTION OF THE ENGLISH POSTMODERN NOVEL.....28
- 44. Тоирова Дилфуза Файзуллаевна**  
ЛИТЕРАТУРНАЯ ТЕОРИЯ ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАКА.....34
- 45. Носирова Умидахон Икромовна**  
ШЕЪРИЙ МАТНЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН УЙҒУНЛИГИ.....39
- 46. Зиямухамедов Жасур Ташпулатович**  
ПУ СЎНГЛИНГ НОВЕЛЛАЛАРИДА ҒАЙРИТАБИИЙЛИК  
УНСУРИНИНГ ИФОДАСИ.....48
- 47. Сабирова Насиба Эргашевна**  
БАХШИЛАР РЕПЕРТУАРИ ВА ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ.....56
- Лингводидактика**
- 48. Абдумаджитова Рано Рахимджанова**  
СПЕЦИАЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И УСЛОВИЯ ПОДГОТОВКИ ТЕРМОНОЛОГИИ  
АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ СТУДЕНТОВ АГРАРНОГО ВУЗА.....62
- 49. Гулямова Мавлуда Хамитовна**  
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДАЛИНГВОДИДАКТИКАНИНГАСОСЛАРИ.....67
- 50. Nazarova Rano Rahimovna, Kadirova Dilfuza Alisherovna**  
THEORETICAL ASPECT OF TECHNOLOGIES OF TEACHING  
A FOREIGN LANGUAGE AS A SECOND LANGUAGE.....71
- 51. Ризаева Диляйра Шавкатовна**  
ОСОБЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ  
ЯЗЫКУ В АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ.....77
- 52. Rayxona G'ulomova**  
CHET TILI O'RGANISH JARAYONIDA SOTSIOLINGVISTIK  
KOMPETENSIYANING O'RNI.....82


|  |     |
|--|-----|
| <b>53. Менлимуратова Эльмира Азатовна</b><br>ОБ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕКСТОВ<br>ЛИНГВОСТРАНОВЕДЧЕСКОГО СОДЕРЖАНИЯ ПРИ<br>ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ..... | 87  |
| <b>54. Laylo Baxtiyarovna Davletnazarova</b><br>THE NOTION OF CRITICAL PERIOD HYPOTHESIS AND ITS<br>ROLE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES.....                                | 92  |
| <b>Таржимашунослик</b>   |     |
| <b>55. Abduganieva Zebuniso Abdukhafizovna</b><br>LINGUOCULTURAL PECULIARITIES OF ENGLISH PROVERBS<br>WITH ZOOMORPHISMS AND THEIR TRANSLATION PROBLEMS.....                | 98  |
| <b>56. Abdurakhmonova Zarifa Kobulovna</b><br>CHALANGES IN TRANSLATING ENGLISH IDIOMS INTO UZBEK.....  | 103 |
| <b>57. Mukumov Mahmud Xudayberdiyevich</b><br>INTERPRETATION OF THE TERMS WORLD MODEL, WORLDVIEW,<br>IMAGE OF THE WORLD IN COGNITIVE LINGUISTICS.....                      | 108 |
| <b>58. Tursunov Elmurod Umrzoqovich</b><br>ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАРЖИМАШУНОСЛИГИДА ЛЕКСИК<br>ТАРЖИМА БИРЛИКЛАРИ НАЗАРИЯСИ.....  | 113 |
| <b>59. Гудзина Виктория Анатольевна</b><br>ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ И ИНДИВИДУАЛЬНЫЕ МАРКЕРЫ ИНТЕРПРЕТАЦИИ<br>ТЕМЫ СЧАСТЬЯ В ЛИРИКЕ АХМАТОВОЙ И ЗУЛЬФИИ.....                         | 122 |
| <b>60. Ruzieva Makhfuza Khikmatovna</b><br>THE TRANSLATOR'S LINGUISTIC PERSONALITY AS A<br>COMPLEX COMMUNICATIVE PHENOMENON.....   | 130 |
| <b>Тилшунослик</b>   |     |
| <b>61. Mutabarkhon Eshonkulova Tadjibayevna</b><br>GIGANTIC DIFFERENCES BETWEEN GERMAN AND ENGLISH.....  | 138 |
| <b>62. Abduvoitov Ravshanbek Alijonovich</b><br>LINGUISTIC CHARACTERISTICS OF THE TERMS RELATED TO THE<br>“MARKET ECONOMY” CONCEPT WITHIN BUSINESS ENGLISH LEXICON.....    | 144 |
| <b>63. Erkaboyeva Saodat Yulbarsovna</b><br>TOPICAL ISSUES OF INTERCULTURAL COMMUNICATION.....   | 149 |
| <b>64. Hamroyeva Maftuna Rasulovna</b><br>BADIY ASAR MATNIDA ANTROPONIMLARNING O'RNI<br>(Normurod Norqobilov va Tohir Malik ijodi misolida.).....                          | 155 |
| <b>65. Назарова Гулбахор</b><br>ИЛМИЙ УСЛУБДА СЎЗ ЎЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....   | 162 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>66. Jalilova Shahnoza Dilshodjon qizi</b><br>KOMIL XORAZMIY VA FURQAT ASARLARIDA ESTETIK PRINTSIPLAR.....   | 166 |
| <b>67. Kabilova Sayyora</b><br>METAPHOR IN NEWSPAPERS.....   | 170 |
| <b>68. Nadejda Zubareva</b><br>ON COMPARATIVE PHRASEOLOGICAL UNITS AND THEIR<br>ROLE AS INTENSIFIERS IN DISCOURSE.....   | 176 |
| <b>69. Abduqahhorova Xosiyat Abdurasul qizi</b><br>O'ZBEK SHEVALARIDA FRAZEOLOGİK BIRLIK LARNING QO'LLANILISHI.....  | 181 |
| <b>70. Насиба Раимназарова</b><br>СУРХОНДАРЁ ХУДУДИНИНГ ЭТНОГРАФИК ВА ДИАЛЕКТАЛ ХУСУСИЯТИ.....   | 185 |
| <b>71. Khamraeva Z. Kh.</b><br>SYNTACTIC FEATURES OF THE MODERN ENGLISH LANGUAGE.....  | 191 |
| <b>72. Holiqova Husnora</b><br>SOME BASIC PROBLEMS OF COMPILING ENGLISH DICTIONARY.....  | 195 |
| <b>73. Yuldasheva Laziza Ravshanovna</b><br>COLLOQUIALISMS AND THEIR ROLE IN THE ENGLISH LANGUAGE.....   | 202 |
| <b>74. Kambarova M.M.</b><br>SPECIFIC FEATURES OF TERMS IN ARCHITECTURE<br>AND CIVIL ENGINEERING FIELD.....  | 207 |
| <b>75. Маматкулова Фотима Аширкуловна</b><br>ТИЛШУНОСЛИҚДА КУЛИНАРОНИМЛАРНИНГ<br>ЛИНГВОКУЛТУРАЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ.....  | 212 |
| <b>76. Саидова Мухайё Умедиллоевна</b><br>К. БОЛДИКНИНГ “АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ<br>ҚИՏҚАЧА ИЗОХЛИ ОКСФОРД ЛУҒАТИ”ДАГИ ЯСАМА<br>АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИ ТАХЛИЛИ..... | 218 |
| <b>77. Шодикулова Азиза Зикиряевна</b><br>МЕДИАМАТНЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ МАСАЛАСИ.....   | 227 |
| <b>78. Азиза Арслоновна Муминова</b><br>РЕКЛАМА МАТНЛАРИДА УНДАШ КАТЕГОРИЯСИНИНГ СУГГЕСТИВ ТУРИ.....   | 233 |
| <b>79. Гули Тоирова Ибрагимовна</b><br>ШИФОКОР НУТҚИНИНГ ЭТИКАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ..  | 237 |
| <b>80. Хурулбоев Шукрулло Абдулладжонович</b><br>КОНВЕРСИЯ В СОЗДАНИИ НЕОЛОГИЗМА И ЕГО РОЛЬ В ГАЗЕТНОМ СТИЛЕ.....  | 242 |
| <b>81. Шаходат Усмонова</b><br>МЕДИАДИСКУРСДА ЭКСПРЕССИВЛИК ТЕНДЕНЦИЯСИ.....   | 247 |
| <b>82. Holmuradova Leyla Eshkuvatovna</b><br>SPECIFIC POINTS CONCERNING THE FIGURATIVENESS OF LANGUAGE<br>UNITS IN ENGLISH AND FRENCH LANGUAGES.....                           | 255 |

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Гули Тоирова Ибрагимовна  
Бухоро давлат университети  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори(PhD), доцент  
e-mail: tugulijon@mail.ru

## ШИФОКОР НУТҚИНИНГ ЭТИКАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-2-79>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола шифокор нутқининг этикаси ва унинг лингвистик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Унда шифокор нутқида мавжуд сўз, сўз бирикма, гапларнинг лингвистик ҳамда услубий хусусиятларини аниқланган, мисоллар билан изоҳланган. Бундай сўзларнинг таъсир доирасини, яъни прагматикасини илмий жиҳатдан ўрганиш зарурати ҳақида фикр юритилган. Мақолада шифокор-бемор мулоқоти ва унинг этикаси билан боғлиқ маълумотлар илмий асосланган. Нутқимиздаги сўзларнинг қудрати нақадар кучли таъсир воситаси эканлиги ёритилган. Хусусан, беморнинг шифокорга берган маълумоти орқали аниқ ва тўғри ташхис қўйиш ёки шифокорнинг касаллик бўйича берган маълумоти давомида тиббий эвфемизм, перифразалардан ўринли фойдаланишининг аҳамияти мақолада ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт тили, тиббий эвфемизм, тиббий перифраза, мулоқот, термин, касаллик номи, лексика, лингвопрагматик, нутқ, тушунча, психология.

---

Гули Тоирова Ибрагимовна  
Бухарский государственный университет  
доктор философских наук, доцент

## ЭТИКА РЕЧИ ВРАЧА И ЕГО ЯЗЫКОВАЯ ОСОБЕННОСТЬ

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена исследованию этики врачебной речи и ее языковых особенностей. Он определяет слова, словосочетания, лингвистические и методические особенности речи в речи врача и объясняет их на примерах. Обсуждалась необходимость научного изучения объема, то есть прагматики, таких слов. Статья научно основана на данных, касающихся общения врача и пациента и его этики. Он подчеркивает, насколько сильна сила слов в нашей речи. В частности, в статье отражена важность постановки точного и правильного диагноза на основе информации, предоставленной пациентом врачу, или правильного использования медицинских эвфемизмов, перифраз во время предоставления врачом информации о заболевании.

**Ключевые слова:** медицинский язык, медицинский эвфемизм, медицинский перифраз, коммуникация, терминология, название болезни, лексика, лингвопрагматика, речь, понимание, психология.

**Guli Toirova Ibragimovna**

Bukhara State University

PhD in philosophy, associate Professor

## ETHICS OF THE DOCTOR'S SPEECH AND ITS LANGUAGE FEATURE

### ANNOTATION

The article is devoted to the study of the ethics of medical speech and its linguistic features. He defines words, phrases, linguistic and methodological features of speech in a doctor's speech and explains them with examples. The need for a scientific study of the volume, that is, pragmatics, of such words was discussed. The article is scientifically based on data relating to the communication of the doctor and the patient and his ethics. It emphasizes how strong the power of words is in our speech. In particular, the article reflects the importance of making an accurate and correct diagnosis based on the information provided by the patient to the doctor, or the correct use of medical euphemisms, paraphrases when the doctor provides information about the disease.

**Key words:** medical language, medical euphemism, medical paraphrase, communication, terminology, disease name, vocabulary, linguopragmatics, speech, understanding, psychology.

**Кириш.** Тиббиётнинг ўзига хос хусусияти доимо инсоннинг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ҳозирда унинг тушунчалари, ғоялари, ютуқлари, ёши, ижтимоий мавқеи, маълумотидан қатъи назар, кенг одамларга тезда маълум бўлиб, ҳар бир кишини туғилишидан ўлимигача кузатиб боради. Бу жараён барча ҳаётнинг тенденциялар ва ўзгаришларга сезгир бўлгани учун тилда акс этади. Кўп асрлар давомида шаклланган ва бизнинг давримизда жадал ривожланиб келаётган тиббиёт тили - бу кундалик ҳаёт соҳасини ҳам, илмий билимларни ҳам қамраб оладиган ва ҳар иккала соҳанинг таъсири бўлган маконни ҳам ўз ичига олган улкан кўп босқичли тузилма. юқорида айтиб ўтилганлар сезилади. Ушбу хилма-хиллик, айниқса, тиббиётнинг оғзаки тилида - шифокорлар ва беморлар ўртасидаги мулоқотда сезилади. Ушбу турдаги алоқа мавжудлиги, албатта, тилшунослар томонидан илмий тушунишни ва амалий тавсифни талаб қилади. "Шифокор - бемор" мулоқоти шифокор учун бемор томонидан айтилган ҳар бир гап касалларнинг ташхисини қўйиш учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан:

“Ҳозир(яқин орада) чалинган касаллик тарихига оид сўзлашув” куйидаги сўзлар қўлланилади:

- Ҳозир сизни .....(бош оғриши, бош айланиши, йўтал, кунгил айниш...)безовта қилаяптими?
- Кўрсатингчи, қаерингиз оғрияпти?
- Касаллик қачондан бошланди?
- Қанча вақт ...(соат, кун, ҳафта....) ўтди?
- Ҳароратингизни .....(эрталаб, кеч кечкурун.....)ўлчадингизми?

Шунингдек, бемор ўзининг соғлиғи тўғрисида максимал даражада хабардор бўлиши, у шифокорнинг барча тавсияларини тўғри бажариши, уларни бузмаслиги ёки эътиборсиз қолдирмаслиги шифор томонидан айтилган ҳар бир сўзга боғлиқ. Шифокор беморни тинглаши, унинг фикрларни идрок этиши, қабул қилиши, ўзининг хайрихоҳлигини билдириши, самимий бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Беморга мумкин қадар кўпроқ ўзи, касаллиги ҳақида гапиришига имкон бериши, ўз диққат-эътиборингизни беморга қаратиши шифокор этикасининг муҳим томонидир. Саволлар бериб, унинг гапини тўхтатиб қўймаслик, сўзларини охиригача эшитиш, бемор билан ширин муомалада бўлиш орқали беморнинг ишончини қозониш мумкин бўлади. Дарҳақиқат, Саъдий Шерозий: «....Юмшоқ муомала,

ширин сўз одам Бир гап билан тортиб кетар филни ҳам...»,- деб бежиз айтмаганлар[11]. Шифокор беморнинг касаллигини сир саклаши, беморнинг ҳаёти ва соғлиғи учун тиббиёт ходимининг жавобгарлиги, тиббиёт ходимларининг ўзаро муносабати масалалари шифокор этикетига киради[12]. Тиббиёт деонтологиясига мувофиқ, тиббиёт ходими беморга катта эътибор бериши, унинг соғлиғини тиклаш ёки кассалик азобини енгиллатиш учун ўз билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг шифокор билан сирдош бўлишига эришиши зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари билан сўзлашиш шифокор этикетига тўғри келмайди. Шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, билими унинг қайси жамиятда яшаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу муносабат замон талабига мос равишда ижобий томонга ўзгариб боради. Бу ўзгариш шифокорнинг юксак инсоний фазилатларида, софдиллигида, зийраклигида, одамлилигида намоён бўлади.

Шифокорнинг касалликлар бўйича берган маълумотларига эътиборни қаратамиз: ”Витилиго – тери касалликлари орасида кенг тарқалгани бўлиб, тери соҳасида яллиғланмаган ҳар хил шаклларга ва ўлчамларга эга бўлган оқ доғларнинг пайдо бўлиши билан ифодаланади. Бу касалликнинг келиб чиқишига кўплаб омиллар сабаб бўлади. Асаб, эндокрин ва иммунитет тизими ва липидлар перекис оксидланиши тизимининг бузилиши ҳамда ҳужайраларни ўз-ўзини емириши, шунингдек, терининг микроэлемент таркиби ва метаболик жараённинг ўзгариши шулар жумласидандир”[15]; “скрофулодерма касалликда тери соҳаларида дастлаб яллиғланган доғли тошмалар тарзида пайдо бўлади, улар сатҳида бир неча соатлар ўтгандан сўнг эса тўғноғич катталигида бўлган юмшоқ қобиғли пуфакчалар (флектеналар) пайдо бўлади. Пуфакчаларнинг атрофи қизариб, ҳажми катталашиб боради. Флектеналар қобиғи бурушқоқ ва ёрилувчан бўлиб, улар таркибида йирингли ёки қонли суюқлик кузатилади, кейинчалик улар юпка қалинликдаги қатқалоққа айланади. Касаллик давомийлиги ўртача 2-3 ҳафтани ташкил этади”[ 7].

**Тадқиқотлар таҳлили.** Тиббиётга бағишланган мақолалар ва дарсликларнинг аксарияти шуни кўрсатадики, ушбу манбаларда касаллик номи илмий термин сифатида изоҳланади ва қўлланилади. Аммо шифокорлар ва беморлар ўртасидаги диалогларда айнан шу сўзлар нутқни чиройли ифодалаш, беморни чўчитмаслик мақсадида тиббий эвфемизмлардан ўринли фойдаланадилар. Чунончи, шифокорлар нутқида “қўлингиз гул очибди”, “терида ширинча тошибди” каби эвфемик бирликлар қўлланилади. Ўзбек тилшунослигида тиббий эвфемизмларнинг лингвистик хусусиятлари Н.Ғайбуллаева томонидан тадқиқ қилган[13].

Дунё тилшунослигида тиббиёт лексикасининг турли қирралари, жумладан, лексик-семантик, услубий-функционал, лингвопрагматик, гендер хусусиятлари, шу соҳага оид терминлар бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда[1,2,3,5,7]. Шифокор ва бемор мулоқотидаги тиббий лексемаларнинг антропологик, концептуал аспектда текшириш, этнососиал қирраларини аниқлаш ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан биридир.

Маълум бир тушунчанинг инсон учун ёқимли эшитилиши мақсадида ўз нутқида жозибадор, образли бирликлардан унимли фойдаланади. Жумладан, шифокорлар ҳам ўз нутқида перифрастик бирликларга мурожаат қиладилар. Бунда фаолият билан алоқадор ҳаракат ва ҳолатларнинг салбий аломатларини яшириб, пардалаб баён этилади. Чунончи, буюк устун (тана), даракчи белгилар (аура), замонавий тиббиётнинг душмани (интернет), кўкрак сути (озуқа), мўъжизавий неъмат (она сути), тана қироли (юрак), тиб илми (тиббиёт), тождор вирус (касаллик), тушсиз уйку (кома ҳолати), ширин нафас соҳиби (ўпка), қадди-қомат тахти (бел), кулоқ гуллаши (карлик), ҳаёт нури бериш (эмизиш), ҳаёт тимсоли (инсон) шифокорлар нутқида кузатиладиган перифразалар ҳисобланади[3,4].

Шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситасидир. Оғир дардга чалинган бемор учун бир оғиз сўз даводир. Тўрт мучаси соғлом инсон ғазаб, жahl, нафрат билан айтган сўзи ўлимга элтувчи захардир. Чунончи, қуйидаги сўз ва ибораларга эътиборни қаратайлик:

- соғ омонмисиз? – эшитиб қалбингиз ҳузур топади.



- нима дейсан? – юрагингиз тўхтагандек хис қиласиз, гўёки дунёда ортиқчадек сезасиз ўзингизни.
- соғлигинг яхшими? – яна яшагингиз келади.
- қачон қарама касалсан-а!? – дардингиз ўн чандон кўпаяди.
- хафа бўлма – хайрият кимдир менга қайғуряпти.
- ўзинг айбдорсан! – ўлганни устига чиқиб тепиш...
- бахтли бўласан! – бахт сари учишга биринчи қанот.
- бу кетишда ҳеч қачон бахтли бўлмайсан! – орзуга ўлим.
- кўлингдан келмайди, овора бўлма! – оёқдан чалиб йиқитиш.
- албатта эплaysан сенга ишонаман – юқорига чиқиш учун зина.
- билмадим, бу кетишингда .... – яхши кунларга бўлган ишонч тамом...
- ҳаммаси яхши бўлади – Эртанги кунингга умид.

Юқорида санаб ўтилган икки оғиз сўз кимгадир қанот бағишлаши ёки яна икки оғиз сўз қанотини синдириши ёки тузалиш ўрнига давосиз дардга чалиниши мумкин. Шунинг учун шифокор бемор дардига дори билан эмас, сўз билан даво топмоғи керак. Унинг маҳорати шунда кўринади. **Шифокор кучли руҳшунос ҳам бўлмоғи лозим.** Инсон руҳиятини билмаслик, етук шифокор бўлишга ҳам ҳалақит беради. Немис психотерапевти(келиб чиқиши Эронлик бўлган) Нусрат Пезешкиан биринчилардан бўлиб, айнан қандай сўзлар инсонда касалликни келтириб чиқаришини исботлаб берган. Инсоннинг ўз ички руҳий ахволдан келиб чиқиб айтадиган сўзлари ўзининг саломатлигига сингиб борар экан. Инсон физиологик органлари ишига бевосита таъсир қилувчи сўзлар-органик нутқ ҳам деб аталади. Қанчалик бақувват бўлманг, ўзингизга айтилган қуйидаги сўзлар саломатлигингизга путур еткази. Баъзи пайтларда маълум қийинчиликлар ичига кириб бориб, ғазаб, жаҳл, нафрат билан айтган сўзлар органларга буйруқ, команда бериш кўринишини бажариб, маълум аъзоларнинг ишини ўзгартиришга сабабчи бўлади[4]. Масалан: ”Барчаси мени бўйнимда, муаммолар мени бўйнимда” деганларда- остеохондроз ривожланиши; “Барчаси жонимга тегди” деганларда - ўсмалар ривожланиши” “ Юрагимга қаттиқ олдим” деганларда- юрак инфаркти ривожланиши; “Менга муаммолар бош оғриғи бўлди” деганларда- мигрень ривожланиши; “Қонимни ичди деганларда- қон касалликлари ривожланиши; “Сабр косам тўлди” деганларда-гипертония ривожланиши; “Эшитгим келмайди, ўчир” деганларда- гаранглик ривожланиши; “ Асабимни синама” деганларда- депрессия ривожланиши; “Ҳаётимда қувонч йўқ” деганларда-жигар, ўт қопи касалликлари, семизлик ривожланиши; “Ўз-ўзини ейиш, бировларни ишини хазм қила олмаслик- ошқозон яра касалликлари ривожланиши”; “Ўлгудек чарчадим” деганларда- урологик хасталикларнинг ривожланиши олимлар томонидан исботлаган.

**Хулоса.** Демак, айтиладиган ҳар бир гапимиз ё фойда ёки зарар бўлиши ўзимизга боғлиқ экан. Шундай қилиб, нутқда воқеланган сўзнинг таъсир доирасини илмий жиҳатдан ўрганиш тилшунос олимлар олдида турган муҳм вазифадир. Чунки сўзнинг нақадар кучли таъсир воситаси эканлиги шифокорнинг касаллик бўйича берган маълумоти ва бемор билан олиб борган суҳбати давомида тиббий эвфемизм, перифразалардан ўринли фойдаланишида ўз ифодасини топган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абрамова Г.А. Медицинская лексика: основные свойства и тенденции развития: дис. ...канд. филол. наук. – Краснодар, 2003. – 312 с.
2. Агаджанян С.А. Вербальная коммуникация «врач – пациент» в функционально-стилистическом аспекте (на материале английского языка): дисс...канд... наук. – Москва, 2018. – 177 с.
3. Ахмадова У.Ш. Перифраза турлари ва уларнинг матндаги ўрни // Тил, таълим, таржима халқаро журнали.– Тошкент, 2020. № 4. – Б. 81-87.

4. Культура общения врача и студента. (Электрон ресурс): <https://studfiles.net/preview/548345/>
5. Малыгина Е.Н. Средства смягчения высказывания в медицинской речи: Автореф. .... дис. канд. филол. наук. Самара, 2007. – 56 б.
6. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016.– № 4 (9). – Б.61-64.
7. Тиббиёт қомусий луғати. –Тошкент: —Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 288 б.
8. Toirova G. About the technological process of creating a national corpus. // Foreign languages in Uzbekistan. Electronic scientific-methodical journal. - Tashkent. 2020, № 2 (31), –Б.57–64. <https://journal.fledu.uz/uz/millij-korpus-yaratishning-tehnologik-zharayoni-hususida/>
9. Toirova G. The importance of linguistic module forms in the national corpus// Zamonaviy fan, ta’lim va tarbiyaning dolzarb muammolari (Mintaqada zamonaviy fan, ta’lim va tarbiyaning dolzarb muammolari) (Elektron ilmiy jurnal), – Урганч. 2020, № 5 , –Б.155–166. [http://khorezm-science.uz/public/archive/2020\\_5.pdf](http://khorezm-science.uz/public/archive/2020_5.pdf)
10. Тоирова Г. Важность интерфейса в создание корпуса. International Scientific Journal «Internauka», // Международный научный журнал «Интернаука». – 2020. – №7. Онлайн журнал. <https://doi.org/10.25313/2520-2057-2020-7-5944>
11. Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. Тошкент: “Шарқ”, 2007, - 256 б.
12. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. (Электрон ресурс): <http://uzssgzt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2010&mes>
13. Ғайбуллаева Н. Тиббиёт соҳаси тилининг лингвистик аспекти. Хорижий филология. 2019, -№ 3. –Б. 133-137.
14. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. (Таҳрир ҳайъати: Ф.Назаров, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев ва б.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 568 б.
15. <https://ssv.uz/uz/news/usnbuzarlar-temiratki-vitiligo-prsildo-teri-kasalliklari-andaj-davolanadi>

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**4 ЖИЛД, 2 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

**ТОМ 4, НОМЕР 2**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

**VOLUME 4, ISSUE 2**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000